Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# 60112500 – Мактаб менежменти
# бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 365
«25» 08 2021 йил

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мазкур Малака талаби "Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/Р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *60112500 – Мактаб менежменти* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. | *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари | 4 |
| 1.2. | *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи | 4 |
| 1.2.1. | *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари | 4 |
| 1.2.2. | *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари | 4 |
| 1.2.3. | *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари | 5 |
| 1.2.4. | *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари | 5 |
| 2. | *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар | 6 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар | 6 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар | 7 |
| | Библиографик маълумотлар | 8 |
| | Келишув варағи | |

– мактабдаги ташқари таълим муассасаларидаги педагогик жараёнлар.

*60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғилланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

**1.2.3. *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- *педагогик фаолият;*
- *ташкилий-бошқарув фаолият;*
- *илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *маънавий-маърифий фаолият;*
- *тадбиркорлик.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланадиган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. *60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Педагогик фаолиятда:**

– "Иқтисодий билим асослари", "Тадбиркорлик асослари" фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

– умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

– таълим тизимида кабинет мудири, методист ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

– табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

– узлуксиз таълим тизимида маънавий-маърифий соҳаларда ишлаш;

– ишлаб чиқариш соҳасида компьютер технологиялари, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситалари, таълимнинг электрон воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

– таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

– яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

– таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

– таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш;

– ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

– таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази, Республика таълим маркази, А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида таълим сифатини бошқариш, амалий прогностика, халқаро баҳолаш дастурлари билан боғлиқ мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– мактаб менежменти соҳасига доир интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– мактаб менежменти соҳасига доир илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш.

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

– маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

– ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

– глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

– миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

**Тадбиркорлик фаолиятида:**

– янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

– бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

## *2. 60112500 – Мактаб менежменти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1. Умумий компетенциялар:**

– маданий қадриятларни англаш, инсон ҳаётий фаолиятида маданиятнинг ролини тушуниш;

– касбий-педагогик фаолиятнинг таянч қадриятларини англаш, уларнинг мазмуни ва аҳамиятини тушунишни намойиш этиш, касбнинг ҳар қандай таянч қадриятига ўз муносабатини билдириш, инсонга (таълим олувчиларга) қадриятли муносабат ҳақидаги тизимли, яхлит тасаввурларни намойиш этиш;

– турли маданиятларнинг шаклланиш тарихини тушуниш, маданий тажрибани ўзлаштириш ва узатиш усулларини эгаллаш;

– ўз-ўзини англаш, мустақил фаолиятга тайёргарлик, шахсий ва шахслараро муносабатларни уйғунлаштириш омили сифатида маданий бойликни ўзлаштириш;

– ўз-ўзини баҳолаш, ўз ўрнини топиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга тайёргарлик;

– ижобий, самимий мулоқотга тайёрлик;

– мафкурани шакллантириш усулларини эгаллаш, таълим олувчиларнинг ўз-ўзини англаш ва шахс шаклланишига ёрдам кўрсатиш;

– коммуникатив ўзаро биргаликдаги ҳаракатни ташкил этишнинг психологик воситалари тизимини ўзлаштириш, бошқа кишилар ва гуруҳларнинг психологик ҳолатини таҳлил этиш ва баҳолаш, шахсга ижобий таъсир кўрсатиш, унинг муносабатини башорат қилиш, мулоқот шароитида ўзининг психологик ҳолатини бошқариш қобилияти;

– экологик хулқ-атворнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларини ўзлаштириш;

– таълим олувчиларнинг шаъни, обрўси ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини эгаллаш;

– олам манзараси, унинг илмий асослари ҳақида яхлит тасаввурларнинг мавжудлиги;

– ижтимоий аҳамиятли муаммолар ва жараёнларни илмий таҳлил этиш қобилияти, касбий-педагогик фаолиятнинг хилма-хил турларида ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар методларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаси;

– касбий-педагогик фаолиятда илмий-табиий фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиш қобилияти;

– ҳар хил турдаги мулоҳазалар мантиғини амалий таҳлил этишга тайёрлик, оммабоп нутқ кўникмаларини эгаллаш, аргументлаш, мунозара ва баҳсларга киришиш;

– когнитив фаолиятга тайёрлик;

– ижодий жараёнларни (ғояларни излаш, рефлексия, моделлаштириш) эгаллаш;

– эвристик метод ва усуллар тизимини ўзлаштириш.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

– таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

– яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

– таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

– таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

– таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

[illegible]

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, лойиҳалаш, прогнозлаш, таълим сифати, таълимда инновация, илмий-тадқиқот жараёни.

## КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

**Тошкет давлат педагогика университети**

Ректор____________**А.Ю.Умаров**

2021 йил «_____» _____________

М.Ў.

## КЕЛИШИЛГАН:

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**хузуридаги Олий таълимни**
**ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор**
**технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор в.б. ____________**М.Эсанов**

2021 йил «______» _________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Халқ таълими вазирлиги**

Вазир ўринбосари

____________

2021 йил «______» _________

М.Ў.

**Республика таълим маркази**
**директори**

Директор. ____________Ш.Саттаров

2021 йил «______» _________

М.Ў.